Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 187 (7. 276) ◉ 1990 йил 18 август, шанба. Баҳоси 3 тийин.



⊙ СОЗЛОВЧИ. Маиший металл буюмларни таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Ғайрат Азимов.
Т. Каримов сурати.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

КЕЧА Тошкент область партия комитетининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг II пленуми бўлди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков «КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Ленин район партия комитетининг биринчи котиби В. А. Чекмарев, 2-автобус паркининг ҳайдовчиси Э. А. Азаматов, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси А. П. Лавров, Тошкент метрополитенининг бошлиғи А. Миржалилов, Куйбишев район партия комитетининг биринчи котиби Ш. Т. Нусратов, «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси ўраш машинасининг машинисти М. С. Қўчқорова, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг муҳаррири Э. М. Эрназаров сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича комиссиясини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилди ва унинг таркибини тасдиқлади. Шунингдек шаҳар партия комитетининг ташкилий-партиявий иш ва ҳуқуқий масалалар, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий сиёсий масалалари бўйича комиссияларининг таркиби ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети комиссиялари ҳақидаги намунавий Низом тасдиқланди.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ҳ. О. Исамуҳамедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланганлиги муносабати билан пленум унинг Тошкент шаҳар партия комитети бюроси аъзоси вазифасидан озод этиш тўғрисидаги аризасини қондирди.

Тошкент машинасозлик институтининг ректори Н. Р. Юсупбеков Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзоси этиб сайланди.

КПСС Уставининг КПСС аъзолари бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ сайлаб қўйиладиган партия органларида бўлмасликлари тўғрисидаги низомга мувофиқ Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи котиби Қ. М. Рафиқов, Куйбишев район партия комитетининг биринчи котиби Ш. Т. Нусратов, Ленин район партия комитетининг биринчи котиби В. А. Чекмарев, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи котиби Б. С. Камолов, Чилонзор район партия комитетининг биринчи котиби О. Ж. Исмоилов, шунингдек Тошкент Давлат дорилфунуни партия комитетининг котиби А. У. Назаровлар шаҳар партия комитетининг аъзолиги вазифаларидан уларни озод этишни сўраб ариза бердилар. Пленум уларнинг аризаларини қондирди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими В. А. Лозицкий иштирок этди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Илғорлар намунаси

⊙ ЭКСКАВАТОР **ремонти заводи ишчи-хизматчилари доимо янгилик излаш билан яшамоқдалар,** — дейди биз билан суҳбатда корхона бош муҳандиси Г. Плтухов. — Жамоамиз 1990 йилнинг ярим йиллигини яхши якунлашди. А. Кумиров, О. Митрофанов, Н. Ҳусниддинов каби илғорлар намуна бўлишмоқда. Корхонада тайёрланаётган янги мосламалар синаш учун Самарқанд, Жиззах шаҳарларига жўнатилди.

Заводда бир неча йилдан бери янги техника яратишда фаол ҳисса қўшаётган Н. Расулов, А. Шубцов, Ш. Юсупов, Т. Расулов, С. Саидалимовлар ойлик топшириқларни 115—120 фоизга адо этишмоқда. Шуниси қувончлики булар шу кунларда 1991 йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Завод 1990 йилнинг 7 ойлик план-топшириқларини 103,5 фоизга адо этди. Пландан ташқари 674 минг сўмлик иш бажарилди.

## Ҳашар йўли билан

⊙ **ТОШКЕНТ вилоят худудий қурилиш бирлашмаси жамоаси уй-жой дастурини изчиллик билан амалга оширмоқда.**

Улар саноат иншоотлари бунёд этиш билан бирга турар жойга бўлган талаб-эҳтиёжларини ўзлари қондиришга интилишмоқда.

БУГУН мазкур бирлашма жамоасининг 32 аъзосига янги уй-жой калитлари топширилди.

— Лойиҳа жараёнида бир қатор имкониятлар кўзда тутилган бу бино ҳашар йўли билан қурилди, — дейди мазкур бирлашмага қарашли пардозлаш ишлари бошқармаси бош муҳандиси И. Алиев.

• ЯНГИЛИКЛАР

• ВОҚЕАЛАР

• ХУШХАБАРЛАР

## Фойдали шартномалар

⊙ **СЕРҚУЁШ жумҳуриятимизнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари кенгайиб боргани сари ҳамкорлик корхоналарини тузишга бўлган эътибор янада кучаймоқда.** Биргина пойтахт вилоятининг ўзида ҳозир ўнга яқин ҳамкорлик корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Айни бир вақтда хориждаги қатор йирик фирмалар билан ўзаро фойдали шартномалар ҳам тузилди. Жумладан, Хитой мутахассислари Ўзбекистондаги саноат корхоналари билан маҳсулотлар айрибош қилишни йўлга қўйишга киришдилар. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам Хитой фирмаси билан яқин алоқа боғлади.

Ана шу келишувга биноан Хитойдан Тошкентга юбориладиган технологик жиҳозлар бу корхона эҳтиёжларида фойдаланилади. Ўз вақтида бирлашма маҳсулотларидан бир қисми дўст мамлакатдаги фирмаларга етказиб берилади.

## Олийгоҳда махсус синфлар

⊙ **ИҚТИДОРЛИ ўқувчи ёшлар билан яқиндан шуғулланиш, уларни олий ўқув юртларига тайёрлаш мақсадида кўрилаётган тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда.** Айниқса, фанларни чуқур ўрганиш, шу йўл билан ихтисослашган синфларни очиш халқ таълимининг ҳозирги энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тошкент политехника олийгоҳида махсус синфлар ташкил этилиши бу борада қўйилган дастлабки дадил қадам бўлди. Олий ўқув юртининг институтгача тайёрлаш ва касб танлаш бўлими ҳузурида фаолият кўрсата бошлаган бу синфларда асосан физика, математика ва информатикани чуқур ўрганишга интилиши бўлган тошкентлик ёшлар таҳсил кўришлари мумкин.

Юқоридаги фанларни пухта эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб, институтга кириб ўқиш истагини билдирган ўғил-қизлар мазкур синфларга қабул қилингач, бир йил давомида ўз билим ва амалий кўникмаларини оширадилар. Улар билан машғулотларни олий ўқув юртининг тажрибали ўқитувчилари олиб борадилар. Шу таҳсил давомида толиби илмлар техник билимларини ҳам ошириб, ўзларини мустақил ижодкорликка тайёрлаш кўникмасини ҳосил қиладилар.

## Оталиқ ташкилотининг ҳиммати

⊙ **КИРОВ районидаги 96-мактаб кўп йиллардан буён катта таъмирга муҳтож эди.** А. Иноятов бошчилик қилаётган лойиҳа илмий текшириш институти бу мактабни оталиққа олиб таъмирлаш учун 34 минг сўм маблағ ажратди. Барча синфлар, жисмоний тарбия хоналари, ошхона бинолари тўла таъмирдан чиқарилди. Район электр тармоқлари идорасининг ходимлари ҳам мактабдаги барча электр тармоқларини тўла таъмирлаб беришди.

Мактаб директори А. Абдукаримов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Мактабимизни тўла таъмирлаш районда биринчилар қаторида тугалланди. Бунинг учун биз ўқитувчилар оталиқ ташкилотидан миннатдормиз.

## «Шарқ»нинг алоқаси

⊙ **ХОРИЖДА ўтаётган халқаро ярмаркаларга серқуёш жумҳуриятимиздан ҳам кўплаб экспонатлар юборилмоқда.** Бундан икки-уч ой илгари Познанда амалга оширилган бундай савдо тадбирларида ҳам Ўзбекистон фаол иштирок этди. СССР экспозицияси доирасида уюштирилган бу халқаро кўрикда Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Маҳаллий саноат министрликларига қарашли кўпгина корхоналар, шунингдек, «Средазкварцсамоцвет», «Уста» бирлашмалари ўз маҳсулотларини муваффақиятли намойиш қилдилар.

Эндиликда «Шарқ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бундай йирик тадбирларда қатнашадиган бўлди. Шарқ мамлакатларида уюштириладиган Халқаро ярмаркаларга бирлашма шу йилдан эътиборан биринчи бор энг яхши маҳсулотларини тақдим эта боради.

## Шифобахш муолажалар

⊙ **«ХАЛҚ соғлиғи — юрт бойлиги» шиорига Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли муассаса ва корхоналарида ҳам кенг амал қилинмоқда.** Автомобиль ҳайдовчилар ва улар оилалари соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида шу йилнинг ўзида қатор ибратли тадбирлар кўрилди. Алоҳида тиббиёт-санитария қисми бунёд этилиб, шу фахрли касб эгалари ихтиёрига берилгани айни муддао бўлди.

Фақат шунинг ўзигина эмас. Министрлик ташаббуси билан Тошкент вилояти Калинин райони ҳудудидаги Хонобод посёлкасида ҳам йирик шифобахш марказ ишга тушди. Бу ерда посёлка аҳолиси учун намунали тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари кўрилди.

Бундан ташқари марказ ҳузурида очилган поликлиникадан ҳам беморлар мамнун бўлишмоқда. 160 ўринли стационар министрлик оталиғида иш олиб бормоқда.

## «Шайхонтоҳур» қаҳвахонаси

⊙ **АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ кўчасидаги «Ганга» ва «Скопе» фирма дўконлари ўртасида янги «Шайхонтоҳур» миллий қаҳвахонаси қурилиши ниҳоясига етди.** Айни кунларда жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

80 ўринли миллий таомлар қаҳвахонасида хўрандалар учун барча қулайликлар муҳайё этилмоқда. Бунёдкорлик ишларини Октябрь район ошхоналар трестига қарашли таъмирлаш-қурилиш бошқармаси жамоаси олиб боришди.

## Кўчалар номи ўзгарди

⊙ **ТОШКЕНТ шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги жой номларини белгиловчи Атамалар комиссияси ташаббуси ва «Яккасарой» маҳалла аҳлининг илтимосига кўра, шу маҳалла ҳудудидаги бир неча кўчага тарихий атама ҳамда шахслар номи берилди.**

Западная кўчаси «Яккасарой» тарихий номи билан, Фигурная кўчаси эса XVI асрда яшаб ижод қилган тожик шоири Бадриддин Ҳилолий номи билан юритиладиган бўлди. Ниточная кўчасига ўзбек ва тожик адабиёти намояндаси Сайидо Насафий номи қўйилди.

Шунингдек Ленин районидаги Новий путь кўчаси А. Фитрат номини олди. Октябрь районидаги янги ташкил этилган кўчанинг бирига ҳамда 203-ўрта мактабга Аҳмад Яссавий номи берилди.

## Қўшма корхоналарда ишлашади

⊙ **«ХАЛҚАРО иқтисодий муносабатлар» — Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳидаги янги куллиёт шундай деб аталади.** Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 100 нафар йигит ва қиз ушбу куллиётнинг дастлабки талабалари бўлишди.

Янги куллиётда Москва Халқаро муносабатлар олийгоҳи, Москва молия олийгоҳи ва Ленинград Давлат дорилфунунида иш ўрганиб келган муаллимлар дарс берадилар. Мазкур куллиёт талабалари учун амалий машғулотлар эса қўшма корхоналарда, олийгоҳ ҳозир амалий алоқалар ўрнатаётган хорижий фирмалар ва ўқув муассасаларида ўтказилиши мўлжалланган.

Куллиётни битирган ёшлар маркетинг, халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари, ташқи иқтисодий фаолиятни ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этиш бўйича мутахассис бўладилар. Улар келгусида Ўзбекистон ҳамда хорижий мамлакатлар, жумҳуриятнинг савдо ваколатхоналарида ташкил этиладиган қўшма корхоналарда ишлашлари керак.








⊙ Янгиликлар билан жамоатчи мухбирларимиз А. НАБИХЎЖАЕВ, А. АЛИЕВ, У. МУҲАМЕДОВ, О. МАХМАЮСУПОВлар таништиришди.

## «Бундай сайиллардан мамнунмиз»

**КЕЧА шаҳримиз марказидаги Дзержинский майдони ва унга туташ бўлган жойларда ташкил этилган ва Ўзбекистоннинг сахий қуёши остида етиштирилган мева ва сабзавотлар ҳамда қовун-тарвузларни харид қилиб олган кишилар ана шундай дил сўзларини изҳор этдилар.** Дарҳақиқат, «Қовун сайли» уни ташкил этганларни ҳам, унга ташриф буюрганларни ҳам жуда мамнун этди. Киров район улгуржи-чакана савдоси мева-сабзавот комбинати метронинг В. И. Ленин номидаги бекати атрофидаги дўконларда ташкил этган «Қовун сайли»га пухта ҳозирлик кўрди. Пойтахт вилоятидаги хўжаликлардан ўзаро шартнома асосида бу ерга олиб келинган тилими тилни ёрадиган қовунлар сотилди. Сирдарё, Жиззах, Андижон, Фарғона вилоятларидан ҳам 1.200 тонна маҳсулот олиб келинди. Уларнинг аксариятини қовун-тарвузлар ташкил этди.

«Қовун сайли»га келган ҳамшаҳарларимиз билан суҳбатлашдик.

— Шундай сайиллар тез-тез ўтказиб турилса айни муддао бўларди, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Билол ака Иброҳимов. — Умуман биз, тошкентликлар аҳоли дастурхонини дала неъматлари билан тўкин қилиш борасида бу йил олиб борилаётган ишлардан жуда ҳам мамнунмиз. Шаҳримизнинг турли жойларида мева-сабзавот ярмаркаларининг ташкил этилиши бозордаги нарх-навога ижобий таъсир этди. Бундан биз жуда ҳам хурсандмиз.

Яна бир ҳамшаҳаримиз — З. В. Игнатенко ҳам бундай сайилнинг унга манзур бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

«Қовун сайли»га келган ким билан суҳбатлашмайлик уларнинг шундай сайилни ташкил этганлардан ғоят миннатдор бўлганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ўйлаймизки, бундай сайиллар ҳар замонда эмас, балки мунтазам ташкил этилади. «Қовун сайли»дан кейин «Узум сайиллари» ва бошқа сайиллар ҳам ташкил этилса ажаб эмас...

⊙ **СУРАТЛАРДА: «Қовун сайли»дан лавҳалар.**
Т. Каримов суратлари.

Инсон омилига эътибор

## «Малика»да бир кун

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кун бўйи бўлдик, янги цехлар, янги-янги поток линиялар ишга тушгач, иш унуми ошибди. Баъзи маҳсулотларнинг сифати харидорлар талабини қондирадиган бўлиб қолган. Масалан, бирлашманинг 1-цехида тикув ва бичув ишлари олиб борилади. Бу ерда бир кунда 16,5 минг дона ички ва ташқи кийимлар ишлаб чиқариляпти. Айниқса I-участка ишлари таҳсинга лойиқ экан. Бу участкадаги 350 та тўқувчи ва чеварларга Нафиса Қаюмова бошчилик қилади.

Бу ерда 14 хил буюм тайёрланади. Бу участкани олий навли поток линияли участка ҳам дейишади. Негаки режадаги 88 ўрнига 97 фоиз маҳсулот олий навли қилиб ишлаб чиқарилмоқда.

Ўз ишининг фидойиси Мактуба Файзиевани ҳамма танийди. У бир цехда 20 йилдан ортиқ ишлади. Ўнлаб ёшларга ўз касбини ўргатди. Уч қизини ҳам шу касбга ўргатди. Қизлари Муяссар, Мавлуда, Муқаддаслар она изидан бориб, шу касбни ихтиёр этишди. Участкада оналарининг юзини ерга қаратмаслик учун бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Опа-сингиллардан, нега шу касбни танлагансиз деб сўрасак:

— Қилган меҳнатингиз йўл-йўлакай кўзга ташланиб туради. Каттаю кичикнинг эгнида уларга ҳусн бағишлаб турганини кўриб қувонасан, киши, — дейишди.

Участкада Лидия Рогова, Хуррият Муҳамадалиева, Фотима Зиёхонова, Света Аҳмедалиева, Карима Аҳмедова каби мураббийлар борки, улар ўзларининг ибратли ишлари, ҳақиқий инсоний фазилатлари билан ёшларни ўзларига эргаштиряптилар.

Цехда ўтган ойларда 3 тонна трикотаж тежалди. Таннарх арзонлашди, фойда олиш кўпайди. Натижада энг кам маош 138 сўмдан 160 сўмга етди. Бу янада унумли ва сифатли ишлашга ундамоқда.

Шундай экан, ишчи-хизматчиларнинг турмуши, соғлиги, болалар боғчалари, турар жойлари ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарурати туғилади. Ҳозир бирлашмада учта болалар боғчаси ишлаб турибди. Ҳар бир цехда дам олиш, ювиниш хоналари, телевизор, буфет-ошхона бор. Хумсонда дам олиш зонаси мавжуд. Бу ерда ишчилар оилалари билан шанба, якшанба кунлари ҳордиқ чиқарадилар. Сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари, сўлим боғ бор.

Ишчи хизматчилардан юздан ортиқ киши санаторийларда ўз дардларига даво топиб келдилар. А. Расулев, А. Аносова, Н. Сулаймонова, Н. Абдумаликова, Д. Файзуллаева, Б. Исломов, Қ. Хожиакбаров кабилар шулар жумласидандир.

Юзлаб кишилар эса дам олиш уйларида, туристик саёҳатларда бўлиб қайтмоқдалар. Ҳар ойда 30 киши республикамиз бўйлаб уч кунлик саёҳатда тарихий обидалар билан танишмоқда.

Ўртача ҳар ойда ишчи-хизматчиларнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун 7 минг сўмдан ортиқ пул сарфланяпти.

**С. СУЛТОНОВ,**
**«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.**

## ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съезди материаллари» ҳужжатлар тўплами босмадан чиқди. Тўпламга, жумладан, КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари, съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти, КПСС янги дастурини тайёрлаш тўғрисидаги қарор кирган. Тўпламда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставининг, «КПСС бюджети ва мулки тўғрисида», «Иқтисодий ислоҳотни ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишда КПСС сиёсати тўғрисида»ги резолюцияларнинг матнлари, шунингдек бир қанча бошқа ҳужжатлар ҳам бор.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

Футбол

## Навбатдаги ғалаба

⊙ КЕЧА мамлакатимизнинг турли шаҳарларида футбол бўйича биринчи лига командаларининг 26-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентда «Пахтакор» командаси «Тирас» футболчиларини қабул қилиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни 29-минутда Оганесян, 81-минутда Микляев киритди.

Ана шу турдаги қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Қайрат» — «Таврия» — 1:2, «Локомотив» — «Нефтчи» — 1:0, «Факел» — «Зенит» — 0:0, «Динамо» (Ст) — «Кубань» — 1:0, «Локомотив» (М) — «Геолог» — 2:1, «Кузбасс» — «Шинник» — 1:2, «Спартак» — «Металлург» — 2:0, «Котайк» — «Нистру» — 2:1.

